



“Ютуқлар омили — атрофимда фаол ва жонкуярлар жипслашгани”

2-с.

“Шу уй, шу кўча, шу маҳалла меники... Ободлиги ҳам...”

2-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
19 март,
Чоршанба

Maʼalla

№21
(2245)

WWW.UZMAHALLA.UZ

САМАРҚАНДДА “ЕТТИЛИК” ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Самарқанд шаҳридаги йиғинлар фаолиятини ўрганди.

Уюшма раиси Самарқанд шаҳридаги “Янги ҳаёт” ва “Чилқудук” йиғинларида “маҳалла еттилиги” олиб бораётган ишлар билан танишди. “Еттилик” аъзолари билан учрашиб, уларнинг фаолияти таҳлил қилинди. Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган мевали ҳамда манзарали дарахтлар,

хонадонларнинг то-морқадан самарали фойдаланиши атрофлича ўрганилди.

Ўрганишлар давомида маҳаллаларда “еттилик” аъзоларининг самарали фаолият олиб бориши учун замонавий компьютерлар, мебель жамланмалари ҳамда кондиционерлар ажратилиши белгиланди. Ушбу янгиланишлар “маҳалла еттилиги” аъзоларининг тезкор

ва самарали ишлашига хизмат қилади.

Навбатдаги манзил — “Ўзбекистон” маҳалласи бўлди. Йиғинда фаолият юритаётган “еттилик” аъзоларининг ишга келиб кетиш ҳолатлари ўрганилиб, уларни қийнаётган муаммолар юзасидан суҳбатлашилди.

Маҳалланинг ободлиги, “еттилик” аъзоларига номма-ном бириктирилган кўчалар тозали-



ги кўздан кечирилди. Маҳалла раисининг таклифига кўра, “Маҳалла кутубхонаси” учун бадий китоблар тўплами тақдим этилиши режалаштирилди. Шунингдек, “Маҳалла сервис компанияси”нинг аҳолига кўрсатаётган хизматлари ўрганилди.

Уюшма раиси Самарқанд шаҳридаги маҳалла раислари билан очик мулоқот ўтказди. Мулоқот даво-

мида уларни қийнаётган муаммолар тингланди. Жараёнда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янада ривожлантиришга доир муҳим таклифлар илгари сурилди. Мулоқотдан сўнг, раисларнинг фикр ва таклифларини инобатга олган ҳолда, маҳаллалардаги ободонлаштириш ишлари кўздан кечирилди ҳамда муаммолар жойига чиқиб ўрганилди.

БУГУНГИ СОНДА:

“Хавас билан бошланган иш саноатга айланди”

“Сайхунобод тажрибаси” асосида микроорганик ўсимликлар етиштиришни бошлагандик. Энди уни саноатга айлантириб, органик капсулалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир маҳсулотни нафақат республика бўйича, балки қўшни давлатларга етказиб беряпмиз”.

3-с.

Одамни эшитиш оламни эшитишдек бўларкан...

“Эрта тонгдан то шомга қадар хонадонларга бир-ма-бир кириб чиқиш, улар ҳақида батафсил маълумот тўплаш, ҳар хил кайфиятдаги кишиларнинг кўнглига қараб суҳбатлашиш аввалига бироз қийиндек туюлган эди. Бироқ...”

6-с.

Хаёлдаги режаларни ҳақиқатга айлантириш имконсиз эмас

“Эрталаб ишга кетаётиб, кун давомида бажаришим керак бўлган вазифаларни бир қур хаёлимдан ўтказаман. Назаримда, ҳаммасини тўлалигича амалга ошириш имконсиздек туюлади. Лекин жараёнга киришиб кетгач...”

7-с.



КУН НАФАСИ

ОБОДЛИК ФАЙЗИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА КИРИБ БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 март куни ичимлик сув ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилишда Президент фармойиши билан эълон қилинган “долзарб бир ойлик” доирасида маҳаллаларда олиб борилаётган деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари ҳақи-

“

Хитой тажрибаси асосида 5 минг киши маҳаллага хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилади

да ахборот берилди. Баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, суғоришни яхшилаш муҳим экани таъкидланди. Жумладан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда геомембрана

қопламали ховузлар барпо этилади. Ўтган йили тажриба тарзида 208 та маҳаллада “Маҳалла сервис компанияси” ташкил қилиниб, аҳолига 23 турдаги хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган эди. Энди бу тизим кенгайтирилиб,

яна мингта шундай компания тузилади. Хизматлар тури ҳам камида 30 тага етказилади. Хитой тажрибаси асосида 5 минг киши маҳаллага хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилади ва 15 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

ҚУЛАЙЛИК

Молиявий кўмак учун “еттилик” қарори зарур

Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадили жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги субсидиялар ажратилади:

- ✗ енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — БҲМнинг 30 бараварига;
- ✗ суғориш воситалари хариди учун — БҲМнинг 10 бараварига;
- ✗ уруғлик ва ёқилғилар сотиб олиш учун — БҲМнинг 3 бараварига;
- ✗ қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондида улуш сифатида кириштиш учун — БҲМнинг 10 бараварига;
- ✗ тадбиркорларга — ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги фаолияти учун — бир ойлик ўртача даромади миқдориди;
- ✗ “устоз-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга ҳар бир шогирд учун — БҲМнинг 2 бараваридан 5 бараварига;
- ✗ ишсизларга — олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун — БҲМнинг 10 бараварига.

Субсидия олиш учун талабгор ҳоким ёрдамчиси ёки йгона интерактив давлат хизматлари порталига ҳамда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилади. Кўмак “маҳалла еттилиги” қарори асосида тақдим этилади.

ЕЧИМ БИТТА — ҚАРИНДОШЛАР НИКОҲИ БАРҲАМ ТОПИШИ КЕРАК!

6-с.

Ёшларнинг шижоати, ғайрати синовларда тобланади

Маҳаллаларда ташкил этиладиган “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақаси юзасидан матбуот анжумани ҳамда унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда мусобақада иштирок этиш шартлари, босқичлари, совринлари ҳақида маълумот берилди. Айтиш керакки, мусобақа 18-22 ёш тоифасидаги маҳалла ёшлари ўртасида жамоавий тартибда ташкил этилиб, етти та шарт асосида ўтказилади.

Мусобақа қуй-

идаги босқичларда ташкил этилади:

- 1 апрелгача — маҳалла босқичи;
- 30 апрелгача — туман (шаҳар) босқичи;
- 20 майгача — ҳудудий босқич;
- 20-30 июнь оралиғида — республика финал босқичи.

Ғолиб жамоаларнинг маҳаллаларига қуйидаги спорт иншоотлари қуриб

берилади:

- 1-ўрин — Универсал спорт майдончаси;
- 2-ўрин — Стрит воркут майдончаси;
- 3-ўрин — Воркут майдончаси.

Республика финал босқичида энг юқори натижага эришган жамоа аъзоларига олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган олий таълим муассасаларига кириш учун тавсиянома берилади.



МУСОБАҚА



Шавкат Мирзиёев
Америка Қўшма Штатлари
Конгресси аъзоси
Кэрл Миллер
бошчилигидаги
ДЕЛЕГАЦИЯНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



ДАВЛАТИМИЗ РАЎБАРИ
Россия Федерацияси
Федерал Мажлиси
Давлат Думаси Раиси
Вячеслав Володин
билан учрашди.



“Имом Мотуридий
таваллудининг
1155 йиллигини кенг
нишонлаш тўғрисида”ги
ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ
имзоланди.

ТАЖРИБА

“Ютуқлар омили — атрофимда фаол ва жонкуярлар жипслашгани”

Маҳаллада беш минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. “Ипак йўли” халқаро туризм маркази, “Бокий шаҳар” мажмуасига яқин жойлашганмиз. Нуфузли ишлаб чиқариш корхоналари мавжудлиги, шунингдек, тадбиркорлик, хунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти қўлай экани учун аҳоли яхши ҳаёт кечиради.

Хурсандой ИСРОФИЛОВА,
Тойлоқ туманидаги
“Бахшитеп” маҳалласи раиси.

“Драйвер” — паррандачилик ва асаларичилик. Одамлар самимий, иш-билармон, меҳнатсевар. Улар қандолатчилик, тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланади. Боқимандалик кайфиятидаги фуқароларни учратмайсиз.

Тадбиркорлар орасида имконияти чекланган инсонлар ҳам бор. Аслида, улар “ногиронман, давлат мени боксин”, деб ўтириши мумкин эди. Мисол учун, эшитишида нуқсони бор Қодиржон Мухторов соғлом қишлоқдошларидан қолишмасдан, рўзгорига қўшимча даромад келтириш мақсадида тиним билмай меҳнат қилиб келяпти. У билан суҳбатлашганимиз-

да, илгари эски машинасида йўловчи ташиш билан шуғулланганини ва бу яхши натижа бермаганлигини тушунтирди. Бошқа соҳада ўзини синашни таклиф этдик. Самарқанд шаҳридаги мономарказда ўқиб, этикдўзликни ўрганди. Субсидия асосида дўкон қуриб бердик. Бугун ўзини ўзи банд қилиб, оиласини боқаяпти.

Маҳаллада ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар сони кун сайин ортиб борапти. Бу ишсизлар бандлигини таъминлашга ёрдам берапти. Шу пайтгача ишсиз бўлган Нафиса Курбонова яқинда оилавий корхона ташкил этди. Натижада 10 та янги иш ўрни яратди. Бу ерда кунига аёллар учун 35-40 донна куртка тайёрланиб, бозорга чиқариляпти.

Яна бир эътиборли жиҳат, ҳудудда деярли 3-4 йилдан бери



Биринчи навбатда маҳалланинг фаол ва жонкуяр одамларини атрофимда жипслаштирдим. Мавжуд муаммоларни ечишдан тортиб, маҳалла тинчлигию ободончилиги масалаларини улар билан бамаслаҳат, кенгашиб бажаряпмиз.

жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, оилавий ажралишлар қузатилмайди. “Яшил” тоифадамиз. Кўп ҳамкасбларим бунинг сабабини сўрайди. Яширмайман, бир ўзим ҳеч нимага эриша олмасдим. Айтишадиган, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса донғи чиқмас, деб. Биринчи навбатда, маҳалланинг фаол ва жонкуяр

одамларини атрофимда жипслаштирдим. Мавжуд муаммоларни ечишдан тортиб, маҳалла тинчлигию ободончилиги масалаларини улар билан бамаслаҳат, кенгашиб бажаряпмиз.

Маълумки, маҳалла еттилик-га кўйилган асосий вазифалардан бири — йиғинни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Бу



Худудда деярли 3-4 йилдан бери жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, оилавий ажралишлар қузатилмайди. “Яшил” тоифадамиз. Кўп ҳамкасбларим бунинг сабабини сўрайди. Яширмайман, бир ўзим ҳеч нимага эриша олмасдим.

борада жорий йил бошида хатлов ўтказиб, “Омбор китоби” шакллантирилди. Жами 18 нафар ишсиз фуқаро аниқланди. Улар билан манзилли ишлаш бўйича дастур туздик. Жумладан, Сайхунобод ва Ўйчи тумани тажрибалари 50 дан ортқ хонадонга жорий қилинди. Натижада 100 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ҲАП?

ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ



Учқўрғон туманидаги “Қўғай” ва “Исломобод” маҳаллалари шу кунгача ўз биносига эга эмас эди.

Нихоят, ҳар икки фуқаролар йиғини учун замонавий бинолар қуриб, фойдаланишга топширилди. — Янги иншоотлар маҳалла маркази сифатида фаолият юритиб, аҳолига хужжат ишлари, ариза ва мурожаатларни қабул қилиш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа давлат хизматларини кўрсатишда қўлайлик яратди, — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Учқўрғон тумани бўлими бошлиғи Муҳиддин Маҳмамов**. — Жумладан, фуқаролар бу ерда 418 хил турдаги маълумотларни олиши мумкин. Қолаверса, йўл кира сарфлаб, 15 км. узоққа бориш машаққатидан қутилди. Маҳалла биноларида турли тадбирлар, аҳоли билан учрашувлар ва жамоатчилик кенгашларини ўтказиш учун шароит яратилган.

Мазкур лойиҳа аҳоли учун маъмурий ва ижтимоий хизматларни бир жойдан олиш имкониятини тақдим этиб, иш самарадорлигини оширди.

“Шу уй, шу кўча, шу маҳалла меники... Ободлиги ҳам...”

Ободлик, аввало, инсон қалбидан бошланади. Бугун маҳалланинг қайси ҳудудига борманг, шундай хайрли ишлар гувоҳи бўласиз.



Шерзодбек ХАЙРУЛЛАЕВ,
Оқолтин туманидаги
“Ахиллик” маҳалласи раиси.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” тамойили асосида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенгайиб, файзли хонадонлар сони ортапти. Одамларда “Шу уй, шу кўча, шу маҳалла меники, унинг ободлиги учун масъулман”, деган қараш шаклланыпти.

Ҳозирга қадар муддатини ўтаб бўлган эски симёғочлар ўрнида 40 та темир-бетон таянчлар, 3 та янги тақсимлаш пункти ўрнатилиб,

тармоқ тортилди. Натижада хонадонлар, муассаса ва тадбиркорлар узлуксиз электр билан таъминланишига эришилди. Ҳудуддаги қарийб 2,7 километр ички йўлларда асфальтлаш, шағаллаштириш ишлари бажарилди, 1,7 километр пйёдалар йўлакчаси барпо этилди. 17 километр узунликда ичимлик сув тармоғи тортилади. Аҳоли ва инфратузилма объектиларини юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш учун шиша толали магистрал тармоқ ўтказилди.

Аҳоли бандлиги ҳақида сўз очилганда, томорқачилик орқали фаровон ҳаёт кечираётган Муқимовлар оиласи тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Комил Муқимов хонадон саришталиги, кўркамлигида маҳалладошларига ўрнак бўляпти. Оиланинг 20 сотих томорқаси бўлиб, шундан 10 сотихида иссиқхона ташкил этилган. Бу ерга “Сайхунобод тажрибаси” асосида цитрус мевалар экилди. Банан, мандарин, апельсин, лимон кўчатлари баравж ривожланыпти. Бир қисмида гуллар парваришланыпти. Бундан ташқари, чорвачилик йўналишида 45 бош қўй, 80 бош парранда қўшимча даромад келтиряпти.

Бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик ишлари “Ахиллик”нинг исми жисмига мос маҳаллага айланишига сабаб бўляпти. Аҳолининг турмуш тарзи тубдан ўзгариб борапти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Номзодлар ишчи гуруҳ таркибига кирадими?

Нилуфар НИЁЗМЕТОВА,
Чортоқ тумани:

— **Маҳалла раиси сайловида ишчи гуруҳи қандай тузилади ва унинг вазифаси нималардан иборат бўлади?**

Баҳром ҚўШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Маҳалла раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун фуқаролар йиғини қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Сайлов натижаси эълон қилинганидан кейин гуруҳ ўз фаолиятини тугатади. Унинг таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутати киритилади. Маҳалла ходимлари, шунингдек, раис лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас. Агар номзодлар ишчи гуруҳга

аъзо шахслар ёҳуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилса, улар таркибдан чиқарилади.

Ишчи гуруҳи қатор ваколатларга эга. Жумладан, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилайди, уни ўтказишдан камидан беш кун олдин тегишли ҳудудда яшовчиларни хабардор қилади. Ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишини ташкил этади ва ўтказиш. Умумий йиғилиш баённомасини тузади. Тегишли комиссияга тақдим этиш учун маҳалла раиси лавозимига номзодлар бўйича таклифни ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда тайёрлайди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан аҳоли



ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради. Такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган

ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этади. Фуқаролар мурожаатини қўриб чиқади.



Агар номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёҳуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилса, улар таркибдан чиқарилади.



ПРЕЗИДЕНТ
ФАРМОНИга кўра,
қўшилган қийматга
эга тайёр маҳсулот
ишлаб чиқариш
рағбатлантирилади.



Президент
қарорига асосан,
иссиқлик энергияси
билан таъминлаш
соҳаси ТУБДАН
ИСЛОҲ
ҚИЛИНАДИ.



Озарбайжон,
Қозоғистон ва
Ўзбекистон ўртасида
яшил энергия
соҳасида СТРАТЕГИК
ШЕРИКЛИК тўғрисидаги
Битим тасдиқланди.

Mahalla

№21 | 2025 йил 19 МАРТ, ЧОРШАНБА

3

МАҲАЛЛАДА
НИМА ГАП?

“Ҳавас билан бошланган иш саноатга айланди”



ТАҶРИБА

БУ ЛАВОЗИМГА
2022 йилнинг
январь ойида
ТАЙИНЛАНГАН-
МАН. АВВАЛ
ҲАМ МАҲАЛ-
ЛАДА ИШЛА-
ГАНИМ УЧУН
МОСЛАШИШ
ҚИЙИН КЕЧ-
МАДИ. ДАСТ-
ЛАБ ХАТЛОВ
ЎТКАЗДИМ.
ЖАРАЁНДА
АҲОЛИ ЯШАШ
ПУНКТИДАГИ
БАРЧА ХОНА-
ДОНЛАРГА
КИРИБ-ЧИҚ-
ДИМ.

Арофатхон
МАХСУДОВА,
Фарғона шаҳридаги
“Машъал” маҳалласи
хоким ёрдамчиси.

Ишсизлар, тадбиркорликка иштиёқи бор фуқаролар, камбағал оилалар сони – ҳамма-ҳаммаси ўрганилиб, тоифаларга ажратилди. Аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни касб-хунарга йўналтирди.

Бугунги кунда маҳалла аҳолиси қарийб 8 000 нафарни ташкил қилади. Асосий эътиборни ишсизлик даражасини камайтиришга қаратяпмиз. Бунинг учун ёшларга субсидия, имти-

ёзли кредит ажратяпмиз. 2022 йилда 12 та, 2023 йилда 7 та, 2024 йилда 6 та тадбиркорлик субъектига ёрдам кўрсатилди.

Ихтисослашувимиз – хизмат кўрсатиш. Харакатлар натижасида маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлан-

ди. 2022 йил бошида 176 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритган бўлса, 2024 йилга келиб, улар сони 292 тага етди. Батамом тўхтаб қолган 28 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. Янги ўсиш нуқталари жорий этил-

ди. Масалан, кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмида микроорганик ўсимликларни етиштириш кооперацияси ташкил қилинди. Микроқўлат етиштиришда уруғлар бир марталик идишларда экилади, меҳнати унчалик оғир эмас. Ижтимоий дафтарга киритилган хотин-қизлар касана-чилик асосида жалб қилинди. Маҳалламиз 130 та кўп қаватли уйдан иборат. Ҳамма уйнинг биринчи қавати шундай тадбиркорлик субъектларига ажратилган.

Миграция бўйича тизимли ишлаб келинмоқда. Ҳар битта мигрантнинг ҳаёти билан қизиқиб, онлайн мулоқотда бўляпмиз. “Маҳалла еттилиги” раис бошчилигида хорижга кетган ёки кетмоқчи бўлган фуқаролар билан шуғулланяпмиз. Айни пайт 86 нафар мигрантнинг 42 нафари ватанга қайтди, бандлиги тикланди. Шу билан бирга, логистика

бўйича ўқув маркази, 40 та иш ўрнига эга марказ фаолият бошлади. Эътиборлиси, ўқишни битирган ёшлар шу ерда ишли бўлиб, ойига 6 млн. сўм даромад қиляпти.

Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йилда субсидия асосида кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмида чевархона, тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди.

Маҳалла ҳудудида 30 та микролойиха ташкил этиш режага киритилганди. Бугунги кунга келиб, бу кўрсаткичи 40 тага етказдик. Масалан, ҳудудга хизмат кўрсатадиган 4 та ўқув маркази, 2 та янги мактабгача таълим муассасаси ташкил қилинди. Тикувчилик цехлари сонини кўпайтирдик. 25 та тикув цехида 5 тадан 20 тагача иш ўрни мавжуд. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича 4 нафар ишсиз фуқарога кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиб берилди.

Яна бир ташаббус – “Сайхунобод таърибаси” асосида микроорганик ўсимликлар етиштиришни бошлагандик. Энди уни саноатга айлантириб, органик капсулалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир маҳсулотни нафақат республика бўйича, балки қўшни давлатлар – Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонга етказиб берапмиз. Микроорганик ўсимликлар етиштиришни ўргатувчи ўқув марказ очдик.

“ҚУЁШЛИ ХОНАДОН”ЛАР СОНИ ОРТЯПТИ

Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллада яшовчи Комил Ҳайдаров ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, яшаш хонадонига 23 киловаттли қуёш панели ўрнатган.



Март ойининг биринчи ўн кунлигида 730 киловаттдан зиёд электр энергиясини ишлаб чиқарди.

– Яқингача электр таъминоти учун ойда бир миллион сўм тўлардик, – дейди К.Ҳайдаров. – Қуёш панелини ўрнатгач, ишлаб чиқилган электр энергиянинг 10 фоизини эҳтиёжга ишлатиб, 90 фоизини шаҳар электр тармоқлари қорхонасига сотаяпмиз. Кўрсаткичлар “Солиқ” мобил иловаси орқали кўриниб турибди. Жами 85 миллион сарфлаган эдик. Насиб этса, 2025 йил якунида харажат тўлиқ қопланади.

Эътиборлиси, “Қуёшли хонадон” дастури доирасида республика ҳудудларида аҳоли хонадонларига ўрнатилган қуёш панелларида (умумий қуввати 50 кВт. гача) ишлаб чиқарилган ва истеъмолдан ортган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатида Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилипти. Шу боис аҳоли ўртасида хонадонига қуёш панели ўрнатишга талабдорлар сони ортиб борапти.



МЕНДА
САВОЛ БОР...

ҲИСОБЛАГИЧ НОСОЗ БЎЛСА, АЛМАШТИРИБ БЕРИЛАДИ

Нурмат
СОЛИЕВ.
Чортоқ
тумани:

– Январь ойида иссиқ сув ҳисоблагичимни қайта давлат қиёсловидан ўтказдим. Мутахассислар агар ускунада нозозлик аниқланса, янги сотиб олишим кераклигини айтишди. Амалдаги қонунчиликка кўра, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувни ҳисобга олиш ускуналарида нозозлик аниқланса, таъмирлаш ёки янгисига алмаштириб беришни ким бажаради?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

– Бу борада “Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналари (ҳисоблагичлар)ни ечиш, қиёсладан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорида батафсил маълумот берилган. Жумладан, қарор иловалари асосида электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини, яъни ҳисоблагичларни ечиш, қиёсладан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича мезонлар тасдиқланган. Унга кўра, жисмоний шахслар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахсларнинг ҳисобга олиш ускуналарини таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатлари тегишлича ҳудудий электр тармоқлари, сув таъминоти ёки ҳудудий иссиқлик таъминоти қорхоналари, газ таъминоти ташкилоти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Агар жараёнда мутахассис таъмагириликка йўл қўйса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, унга жавобгарлик белгиланган.

Баҳорги мавсумда асалари қўйилган майдонча бог, мевазор атрофида бўлиши керак. Қўтилар бир текисда шахмат ўсулида қўйилиши ва уядаги рақамлар очник кўриниши лозим.

Шухрат ОТАЖОНОВ,
Қишлоқ ҳўжалигида
билим ва инновациялар
миллий маркази
директори.

Баҳорги биринчи қаров ишлари қуёшли кунларда, ҳаво ҳарорати +14, +15 даражадан паст бўлмаганда ўтказилади. Унда асалари оиласининг ҳолати аниқланиб, ривожланиши учун қулай шароит яратиб берилади.

Ҳар бир оиланинг кучи (рамкалар асалари билан тўлиқ қопланганлиги), она асаларининг борлиги, рамкалардаги очик ва ёпиқ наслларнинг сони, уядаги озуқа асал миқдори, асалари уяси ҳолати (уянинг қуруқлиги, ифлосланганлиги, ўлик асаларилар миқдори) каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Қаров даврида уядаги рамкаларни тўлиқ олмаслик мумкин. Чунки яхши ривожланган оилаларда она асалари рамкаларга тўлиқ, сифатли тухум қўйгани киёфия бўлади. Уядаги асалари ва уянинг насли, озуқа асални уядаги рамкаларини оз-



Баҳорги илк қаров ўтказиш даврида уянинг тағ қисмини тозалаш мақсадга мувофиқ.

ўртача 8–10 кг. озуқа асал ва 1–2 та рамка гулчанг бўлишига эришилади. Ортиқча, ифлосланган, нотўғри тўқилган, қийшқ, бўш рамкалар уядан олинади.

Баҳорги илк қаров ўтказиш даврида уянинг тағ қисмини тозалаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун учиги тўйнуқларида тўпланиб қолган чиқиндилар тозалалаб олинади. Чиқинди миқдорига қараб, оила қишдан қандай чиққанини билиб олиш мумкин. Улар орасида асал кристаллари кўп бўлса, демак, озуқа асал сифатсиз. Бундай оилаларга тезда ёрдам бериш керак. Баъзисида она асалари нобуд

бўлади. Бу оилалар зудлик билан она асалари топиш ёки бошқа оилалар қўшиб юбориш мақсадга мувофиқ. Яхши ривожланган асалари оиласи ҳаёти давомида ўзидан иссиқлик ажратади. Асаларичининг вазифаси – шу иссиқликни исроф қилмаслик. Хусусан, баҳор ойларида асалари оиласининг ривожланиши даврида уни эҳтиёт қилиб сақлаш лозим.

Уяни қискартириш мақсадида эски, сифатсиз, моғорлаган рамкалар олиб қўйилса, керакли миқдорда иссиқлик сақланади. Асаларилар кам энергия сарфлайди. Чунки баҳор ривожланиш даври бўлиб, унда она асалари тухум қўяди, уяда насл кўпроқ учрайди. Уларнинг ривожланиши учун +34, +35 даражали ҳарорат керак.

Бол учун тараддуд баҳордан бошланади

ТОМОРҚА МАКТАБИ



Ўзбекистонда юқори рейтингли фермерларга ер солиғи уч баробар, фермерлар кенгашига тўланадиган бадал икки карра камаяди.



Мактаб ўқувчилари учун БАҲОРГИ ТАЪТИЛ 21 мартдан бошланади ва 27 мартга қадар давом этади.



Янги Тошкент шахри қурилиши учун Юқори Чирчиқ туманидаги ИККИТА МАҲАЛЛАДАН 122,3 гектар ер майдони ажратилди.

ЁШ ТАДБИРКОР

14 сотих ердан йилига 600 миллион сўм даромад топса бўлади

Орзулари ортидан интилан инсон, албатта, муваффақиятга эришади. Нишон туманидаги “Жалажин” маҳалласида яшовчи Шахзод Эшбўриев бунга яққол мисол!

Шахноза ХАЛИЛОВА.

У маҳалла ёшлар етакчисининг тавсияси билан кредит олиб, 14 сотих ер майдонида иссиқхона барпо этди. Унда помидор ва бодринг етиштиришни

тирдим ва помидорнинг бир мавсумидан 170 миллион сўм соф фойда ола бошладим. Иссиқхонадан ташқари, 178 та асалари оиласини боқаман. Йилига 5-6 тонна асал оламиз.



йўлга қўйиб, 15 нафар тенгдошини иш билан таъминлади. Иссиқхонадан тушган даромадани асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирган Шахзод яна

5 нафар ёшга мавсумий иш ўрни яратди. Бугунги кунда у йилига 600 миллион сўм даромад топмоқда.

— Фаолиятимни дастлаб икки сотихли ерда ёғочли иссиқхонада помидор етиштириш билан бошлагандим, — дейди Шахзод Эшбўриев. — Сўнгра ёшлар етакчиси кўмағида 66 миллион сўм кредит олиб, иссиқхонани кенгай-

“Меҳнат, меҳнатнинг тағи роҳат” дейишган. Ерга меҳр берсанг, ер сени боқадди, деганлари рост экан. Асал олиш жараёнида тенгдошларимни ҳам ишга жалб қилиб, уларга ҳам даромад топишга имконият яратаман, ҳам соҳанинг сир-асрорларини ўргатаман.

Шахзоднинг келгуси режалари бисёр. Хусусан, у давлатимиз раҳбарининг ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида билдирган таклифларидан илҳомланиб, ўз фаолиятини кенгайтириш орқали яна 30 нафар маҳалладошини иш билан таъминлашни мақсад қилган.

МАНЗАРА

Қоплама остига қовун уруғи қадалди, ҳосилдан умид катта



“ДРАЙВЕР” — ДЕҲҚОНЧИЛИК БЎЛГАНИ БОИС ЎТГАН ЙИЛИ 60 НАФАР ЁШГА АУКЦИОН ОРҚАЛИ ЕР АЖРАТГАНДИК.

Жавоҳир ИЛҲОМЖОНОВ, Фурқат туманидаги “Ардакхон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Баҳор келиши билан ёшларимиз экин-тикин ишларига шижоат билан киришган. “Драйвер” — деҳқончилик бўлгани боис ўтган йили 60 нафар ёшга аукцион орқали ер ажратгандик. Йигит-қизлар бу ерга картошка ва ловия экишди. Болаликдан қишлоқ шароитида томорқадан фойдаланиб, ўзига хос малакага эга бўлгани учун уларга мутахассисларни бириктиришга ҳожат қолмади. Маҳалла ёшлари жорий йилда ердан қўтилгандан ортиқроқ даромад олиш учун ўзaro бахс бойлашган. Шижоатли ёшлардан бири яқинда экин экишнинг янги усулини таклиф қилиб, бизни қизиқтириб қўйди. Исломжон Орифжоновнинг айтиши-

ча, “плёнкали” қоплама остида қовун етиштириш орқали яхшигина фойда кўриш мумкин. Бу ғоя ҳақида университетда ўқиган пайти дўстларидан эшитган ва уни қандай парваришлаш ҳақида сўраб билган. Хуллас, қовун дала шароитида қоплама остида экилади. “Плёнка” иссиқни ўшлаб, ҳосилнинг тезроқ етилишига ёрдам беради.

Маҳсулот тайёр бўлиш жараёни тез-

лаштиришнинг кўпгина фойдали томонлари бор. Биринчидан, тўқсонбости экинларни одатдигидан аввалроқ ерга қадаш мумкин бўлади. Иккинчидан, бошқа қовун маҳсулотлари пишиб, етилгунга қадар ушбу қовунларни қимматроқ нархда экспорт қилиш имконияти бор. Бундан ташқари, қовун “плёнка” остида етиштирилганда очик далага нисбатан мевалари бироз бўлса-да йирикроқ, эти қалинроқ бўлади. Исломжоннинг таклифини яхшилаб ўрганиб, ҳозир 80 сотих ерга шундай усулда қовун уруғларини қададик.

Маҳалламизда ёшлар сони 950 нафарни ташкил этади. Бандлик дастури бўйича уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбат ўтказялман. Имтиёзли кредит оладиганларга йўл-йўриқ кўрсатялман. Ёшлар орасида тадбиркорликка қизиқиш, ишнинг йўлга қўйганлар анчагина. Хусусан, Санжарбек Умаров отаси кўмағи билан ўтган йили автомобиль ювиш шохобчасини очганди. Эндиликда у автомобилларга техник хизмат кўрсатиш маркази, уста-

хона, техника буюмлари дўконини ташкил этиб, иш ҳажмини оширмоқчи. Бунинг учун биздан имтиёзли кредит олишда кўмак сўради. Ҳоким ёрдамчиси билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик.

Бу йилги режаларимиз кўп. Ҳозир, асосан, ёшларни иш билан банд қилишга жиддий киришганмиз. Бунинг “Бир контур” — бир маҳсулот” тамойили асосида корпорация ташкил этиш орқали амалга оширмоқчимиз. Масалан, 20 гектар ерни 10 киши бўлиб олади ва корпорация ташкил этилади. Бу жараёнда аҳоли биргаликда помидор ёки картошка етиштиради. Уруғлик ва ўғитни бош тадбиркор етказиб беради. Ёшлар фақат экинни етиштириб, меҳнатини қилади, холос. Маҳсулот тайёр бўлган, тадбиркор ҳосилни сотиб олиб, сарфлаган харажатини чиқариб ташлайди ва қолган фойдасини деҳқонларга тақсимлайди. Ҳозирда шу мақсадда 4 гектар ер ажратилган. Аини вақтда 20 нафар ёшга ер ажратиш жараёнидамиз. Ёз фаслигача мақсадимизга эришамиз, деган умиддаман.



ФИКР

“Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси нега керак?

Илм-фан тараққиёт, китобхонлик ва маънавият ривожини ҳақида кўп ташаббуслар, фикрлар, ишончларнинг илмга йўналтирилиши билан жамиятнинг ривожланиши тезлашади, тараққиёт юксалади.



Аммо бугунги кунда ёшлар орасида илм-фаннинг сусаяётгани, китобхонликнинг камаяётгани барчага аён. Бунга бир қатор муаммолар сабаб бўлмоқда. Биринчидан, кўплаб ёшлар илм-фан янгиликларидан четда қоляпти. Илм-фандаги сўнгги ютуқлар ва китоблар ҳақидаги маълумотлар кўп ҳолларда уларга етиб бормади ёки қизиқарли тарзда тақдим этилмади. Шунингдек, ҳозирги кунда ёшлар орасида китоб ўқишга ва илмга бўлган қизиқиш сезиларли даражада камайган.

Бу, айниқса, технологиялар ва ижтимоий тармоқларнинг, шунингдек, онлайн ўйинларнинг таъсири билан боғлиқ.

Иккинчидан, илм-фан янгиликлари ва китоблар ҳақидаги маълумотларнинг кенг оммага етказилмаслиги ҳам ёшларнинг бу ресурсларга кириш имкониятларини чеклайди. Ахборот каналларининг камлиги ёшларнинг уларни қизиқтирган китоблар ёки илмий янгиликлар ҳақида хабардор бўлмаслигига олиб келади. Бундан ташқари, бугунги кунда кўплаб ёшлар асосий эътиборини пул топишга қаратган. Бу эса илмга, китобга бўлган қизиқишни сусайтиради ёки умуман четга суриб қўяди.

Мана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ёшлар ишлари агентлиги “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳасини йўлга қўйди. У орқали ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини янада ошириш, уларни замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан яқиндан таништириб бо-

риш мақсад қилинган. Бу жараёнда китоблар чоп этилган, уларнинг тақдиротлари, муаллифлар билан учрашувлар ва китобхонлик марафонлари кенг жамоатчиликка етказиб борилади.

Лойиҳа доирасида ўзбекистонда таржима қилиниши мумкин деб топилган 20 дан ортиқ йўналиш бўйича китоблар рўйхати шакллантирилди. Чоп этилиши назарда тутилган 50 та китобнинг таржима ҳуқуқи олинди. Эндиликда ёшлар китобларни қаердан ва қандай топиш мумкинлиги, китобларнинг мазмунидан бохабар бўлиб боришига шароит яратилади.

Шу ўринда яна бир фикр: аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштиришда маҳалла кутубхоналари имкониятларидан ҳам самара-

ли фойдаланиш зарур. Зотан, кўпгина маҳалла-ларда кутубхона бўлиб, улар муҳим ресурсларга эга. Бироқ тан олиб айтиш ҳам керакки, маскур масканларнинг ҳозирги ҳолати замон талабларига жавоб бერмаяпти. Уларга янги ўқув материаллари, замонавий технологиялар ва ресурс киритиш лозим.

Бу ҳақда сўз борганда, кутубхоналарда интернет ва рақамли ресурсларга кириш имкониятини яратиш керак. Масканларда замонавий ўқув воситалари (электрон китоблар, илмий мақолалар, видео-дарсликлар ва интерактив материаллар) мавжуд бўлиши унга бўлган қизиқишни оширади. Бу орқали ёшлар маҳалласида туриб, замонавий адабиётлар, илмий маълумотлар ва ўқув материаллари билан танишиб боради.

Ёшлар қизиқишларидан келиб чиқиб, янги ўқув усулларини татбиқ этиш мумкин. Масалан, виртуал кутубхоналар ва онлайн платформалар орқали масофавий ўқув дастурларини жорий қилиш зарур. Бундай ёндашувлар кутубхоналарни фаоллаштириб, ёшларни замонавий билим олиш ва ўзларини ривожлантиришга рағбатлантиради.

Шахноза ХАЛИЛОВА.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ОЛТИ ОЙКИ, БИЗ БИРГА ЯШАМАЙМИЗ...”

Ботиржон АҲАДОВ. Уйчи тумани:

— АЁЛИМ ОЛТИ ОЙДАН ОРТИҚ МУДДАТДАН БЕРИ КЕЛИНЛИК УЙИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛМАЙДИ. АММО ХАЛИ ТУЛИК АЖРАШМАГАНМИЗ. САВОЛИМ ШУКИ, ТУЛИК АЖРАШМАГАН БУЛСАК-ДА, УНИ МАЖБУРИЙ РАВИШДА ДОИМИЙ ЯШАШ ЖОЙИДАН РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШ МУМКИНИ? АГАР МУМКИН БУЛСА, БУ КАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Нишонбой МАМАДАЛИЕВ, юрист, адвокат:

— Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар.

Шу қоидага кўра, келин ҳам уйда яшаш ҳуқуқига эга. Бунда ушбу кодекснинг 52-моддасига кўра муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Аслида, бу қоида фақат “муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйлари”га тааллуқли ҳисобланади. Бироқ судлар қонун аналогиясини қўллаган ҳолда, яқна тартибда қурилган уй-жойларда яшовчиларга нисбатан ҳам шу қоида қўллаш мумкин. Бу ҳолда сизлар ҳам фуқаролик судига уйдан мажбурий кўчириш ҳақида даъво қилишингиз мумкин.



Сенат
жамоат транспорти
учун белгиланган
йўлакда ҳаракатланган
ҳайдовчиларга жаримани
назарда тутувчи ҚОНУНИ
МАЪҚУЛЛАДИ.



Жорий йил
4-5 апрель кунлари
биринчи Самарқанд
халқаро ИҚЛИМ ФОРУМИ
бўлиб ўтади.



Ўзбекистонда
шахсларни уларнинг
розилигисиз фото
ва видеога олиш
ТАҚИҚЛАНИШИ
МУМКИН.

ОБОДЛИК

40 ТА МАҲАЛЛАДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Хонадонимизни, кўчаларимизни, ҳовли ва томорқаларимизни саранжом тутиш — халқимизга хос одат. Уйларни озода сақлаш, остонага чанг юқтирмаслик каби анъаналаримизда кўп ҳикмат бор. Ҳар биримиздаги мана шу удум маҳалламизга кўчса, юртимиз янада обод бўлади.



Юсуфбой ЮСУПОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Урганч шаҳар бўлими
бош мутахассиси.

Урганч шаҳридаги 40 та маҳаллада “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида ўтказилаётган тадбирларда хонадонлар, кўчалар, меҳнат жамоалари, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштириляпти. Эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, 450 та оилага моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Камбағаллик ҳолатига барҳам бериш мақсадида 466 нафар аҳоли ишга жойлаштирилди.

Айни кунларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оғир ҳудуд тоифасидан чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, “Гулшан” маҳалласида “Ободлик хонадондан бошланади”, деган нақл ҳаётий воқеликка айланди. Шаҳардаги барча маҳаллаларда “йўл харитаси” асосида ободонлаштириш-бунёдкорлик ишлари жадал давом этяпти. Ишлар шу тарзда давом этса, 40 та маҳаллада Наврўз қўшалок байрам сифатида нишонланиб, янгиланган маҳаллаларда тўйлар ўтказилади.



СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ



МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧГА АСОСЛАНГАН

Бугунги кунда ҳар бир солиқ инспектори “маҳаллабай” ишлаш тизими асосида маҳаллага тушиб, жойлардаги муаммоларни бартараф қиляпти. Биргина Қўшқўпир туманидаги 50 та маҳаллага бириктирилган 19 нафар солиқ инспектори ҳудудларда норасмий тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтириш ва даромадларини ошириш ҳисобига солиқ базасини кўпайтиряпти.

Хусниддин МАТРАСУЛОВ,
Қўшқўпир туманидаги
“Ўзбекистон”, “Зарбдор” ва
“Шихмашҳад” маҳаллалари
солиқ инспектори.



Мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолаётгани кўпчиликда рағбат уйғотяпти.

Менга бириктирилган “Ўзбекистон”, “Зарбдор” ва “Шихмашҳад” маҳаллаларида январь-февраль ойларида тадбиркорларнинг айланма маблағлари ортиши эвазига қўшимча 700 минг сўм солиқ ҳисобланди. 4 млн. 800 минг сўм қўшимча манба аниқланди. Фуқароларнинг мол-мулк ва ер солиғи тўловининг 10 фоизи ҳамда бўш турган кўчмас мулкни сотиш ва бинолар ижараси ҳисобидан 165 млн. 600 минг сўм тушум ундирилди. Натижада маҳаллалар бюджетиди 16 млн. 600 минг сўм қолди.

Турли сабаблар билан фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлик субъектлари



фаолияти тикланиб, ноқонуний фаолият юритаётган 8 нафари янгидан рўйхатдан ўтказилди. 13 та корхонада 18 нафар норасмий ишлаётган ишчи-ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Натижада бюджетга 4 млн. сўмдан ортиқ қўшимча даромад солиғи ҳисобланди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон”, “Зарбдор” ва “Шихмашҳад” маҳаллаларида 1 741 та мол-мулк ва 1 787 та ер солиғи ҳамда 76 та декларация асосида солиқ тўловчи бор. Шунингдек, 60 та юридик корхона, 17 та фермер хўжалиғи, 118 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 1 265 та деҳқон хўжалиғи фаолият юритяпти.


Олдинги тизимда кўрсаткич режаси туман даражасида белгиланган бўлса, эндиликда ҳар бир маҳаллага солиқ тур-

лари кесимида белгиланган. Иш фаолиятимиз айни шу 25 та йўналишдаги кўрсаткичларга қараб баҳоланяпти. Бунинг натижасида солиқ тизимида самарали иш ташкил этиляпти. Шу тариқа самарали меҳнат қилган ҳар бир солиқ ходими муносиб рағбатлантириляпти.

Қўшқўпир туманидаги маҳаллаларнинг иқтисодий кўрсаткичидан келиб чиқиб, мол-мулк ва ер солиғи ставкалари белгиланган. Бу жараёнда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларнинг 1 кв. метр учун белгиланадиган минимал микдорлар, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкалари бўйича эса энг кам ва энг юқори ставкалари доирасида ҳудудлар кесимида ўзгартиришлар киритилди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

“SOLIQ” МОБИЛ ИЛОВАДАН ЯНГИ ХИЗМАТ



Эндиликда ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни “Soliq” мобил иловаси орқали билиб олишингиз мумкин.

Бунинг учун “Soliq” мобил иловасини телефонизга юклаб олинг. Агар ушбу илова ўрнатилган бўлса, унда аввал “Персонал хизматлар” бўлимига кириш. Сўнг “Иш жойи” хизматини танланг ва у ердаги амалларни бажаринг.

Шундан кейин телефон экраниди иш жойингиз, ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларингиз пайдо бўлади. “Батафсил” тугмаси орқали йилма-йил ёки ойма-ой маълумотни олишингиз мумкин.

Ушбу хизматдан фойдаланиш bepul.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ЎЛЧОВ БИРЛИГИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИЛАДИ?

Нодир ЮСУПОВ. Фарғона вилояти:

— Биз махсулотни 300 ва 500 граммлик қадокларда сотамиз. Ўлчов бирлигини килограммга қандай ўзгартириш мумкин?



Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси бошқарма
бошлиғи ўринбосари:

— Буни амалга ошириш учун tasnif.soliq.uz сайтидаги шахсий кабинетингиз орқали 0,3 кг. ва 0,5 кг. қадокларни яратинг. Ушбу қадокни “Танланганлар” рўйхатига қўшинг ва электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштиришда фойдаланинг.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

Нима учун солиқларни ўз вақтида тўлаш керак?

Солиқ қўмитаси берган маълумотга кўра, бугунги кунда юртимизда 6,9 миллион нафар мол-мулк, 5,8 миллион нафар ер солиғи тўловчиси ҳамда 8,3 миллионга (шу жумладан, 7,9 миллион тураржой, 374 мингта нотураржой) объект бор.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

Ушбу рақамлардан келиб чиқиб, кадастр органлари тақдим этган маълумотлар асосида жисмоний шахсларга қарийб 7 триллион сўм иқдориди солиқлар ҳисобланган. Шундан 2,9 триллион сўми мол-мулк, 4,3 триллион сўми ер солиғидир. Улар орасида солиқ имтиёзига эга фуқаролар ҳам бор. Жисмоний шахслар бериладиган имтиёзлар Солиқ кодексининг 421- ва 436-моддалари асосида белгиланган бўлиб, жами 1,6 миллионга ҳолатда 310 миллиард сўм имтиёз қўлланилган.

Энг кўп қўлланиладиган имтиёзлар:

— пенсиядагиларга — 1,1 миллионга ҳолатда 157 миллиард сўм;
— I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга — 321 мингта ҳолатда 104 миллиард сўм;
— уруш ногиронлари ва қатнашчиларига — 44 мингта ҳолатда 18,9 миллиард сўм.

Имтиёздан фойдаланиш учун тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар солиқ органларига тақдим этилиши керак. Солиқ имтиёзи мулкдорнинг танловига кўра, фақат битта турар объектга татбиқ этилади.



Шуни унутмаслик керакки, солиқ тўловчиларга ҳар йили 1 мартга қадар хабарнома-лар тақдим этилиши шарт. Хўш, солиқ хабарномалари қандай етказилади?

Биринчиси, солиқ тўловчига шахсан имзо қўйдирилган ҳолда топшириш орқали, иккинчиси, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда,

учинчиси, солиқ тўловчининг уяли телефон рақамига “SMS” хабарнома орқали, тўртинчиси, солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали юборилади.

Жисмоний шахслар солиқларни 15 апрель ва 15 октябрга қадар тенг улушларда тўлашлари керак. Тўловларни электрон тўлов тизимлари (“Soliq”, “Click”, “Payme”, “Paynet”, “Upay” мобил иловалари), солиқ инспекторининг “SAUT” терминали ҳамда банк кассалари орқали амалга ошириш мумкин. Энг қулайи “Soliq” мобил иловаси бўлиб, унда кечая кундуз тез ва осон тўлаш имконияти бор.

Агар солиқ ўз вақтида тўланмаса, солиқни тўлаш муддати ўтган ҳар бир кун учун пеня ҳисобланади. Солиқ қарзи 1 млн. сўмдан ошса, қарз суд орқали мулк ҳисобидан ундирилади.

Нима учун солиқларни ўз вақтида тўлаш керак?! Аввало, ер ва мол-мулк солиқлари давлат ва маҳаллий бюджетни молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий хизматларни қўллаб-қувватлаш ва мулкдан самарали фойдаланишни тартибга солиш учун тўланади. Ушбу солиқлар йўллар, мактаблар, шифоналар ва коммунал хизматларни яхшилашга йўналтирилиб, жамият тараққиётига ҳисса қўшади.



2024 йилда Ўзбекистонда уй-жойларнинг РЕАЛ НАРХЛАРИ ЎСИШИ 1 фоизни ташкил этди.



Хукумат Қонунчилик палатасига жарима солинмайдиган ТЕЗЛИК ЧЕГАРАСИНИ 5 км./соатдан 10 км./соатгача ошириш бўйича лойиҳани киритди.



Ўзбекистонда маркашларнинг ИССИКЛИК ТАЪМИНОТИ қамрови 37 фоиздан 58 фоизгача етказилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТАҚДИРЛАР

НУРБЕКНИНГ ҚАЛБИГА НУР АТО ЭТГАН АМАЛ

Нурота туманидаги "Нуробод" маҳалласида истиқомат қилувчи Нурбек Отабоев бундан тўрт йил олдин бахтсиз ҳодиса туфайли икки оғи ишламай, тўшакка михланиб қолган эди.



Тўрт нафар фарзанднинг отаси оғир ижтимоий вазиятга тушиб, таслим бўлганди. У нажот истаб, маҳалладаги ижтимоий ходимга мурожаат қилди. "Инсон" маркази ва ижтимоий ходим аралашуви билан мазкур оиланинг муаммолари ечим топапти.

Ушбу жараёнда Нурбек аканинг оилавий аҳволи, яшаш шароитлари ўрганилиб, "кейс менежмент" асосида бир қатор ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Хусусан, у электрон юритмали ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Руҳий ҳолатини яхшилаш мақсадида психологик ёрдам кўрсатилди. Вилоят ва Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига йўланма берилди.

Бундан ташқари, 20 та товук олиб берилиб, боқиши учун шароит ҳозирланди. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан фарзандининг даволашиши учун маблағ ажратилди. Ҳозирда Нурбек Отабоевнинг ҳаётидаги қийинчиликлар ортда қолиб, келажак сари катта мақсадлар билан одим-лаяпти.

Тимур БАЙБИКОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Маҳалладаги фаолиятимни хатлов қилиш жараёнидан бошлаганман. Эрта тонгдан то шомга қадар хонадонларга бирма-бир кириб чиқиш, улар ҳақида батафсил маълумот тўплаш, хар хил кайфиятдаги кишиларнинг кўнглига қараб суҳбатлашиш аввалига бироз қийиндек туюлган эди.

Нодира АБДУЛЛАЕВА, Боғот туманидаги "Гулшан" маҳалласи ижтимоий ходими.

Кейин билсам, бу йиғилган ахборотлар биз учун энг керакли қўлланма экан. Ҳалигача улардан дастуриламал сифатида фойдаланяпман. Ҳозир нимадир савол туғилса, кимнингдир мурожаатини кўриб чиқадиган бўлсам, дарров ўша қоғозларимни varaқлайман.

Худудни айланганда, асосий эътиборни кам таъминланган



оилалар, ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар, жазони ижро этиш мусасасасидан қайтган, ичкиликка ружу қўйган шахслар, тазйик ва зўравонликка учраган аёллар, бошпанасиз қолган кишилар каби 12 тоифадаги фуқароларни аниқлашга қаратамиз. Шу тарзда алоҳида шакллантирилган рўйхатга мувофиқ, керакли ёрдамларни кўрсатамиз.

Аввалига иккита маҳаллага хизмат кўрсатган бўлсам, ўтган йили 1 ноябрдан буён битта худуд микёсида фаолиятимни давом эттириб келяпман. Иш бошлаган вақтимда ногиронлиги бўлган фуқаролар 99 нафар эди. Ўрганишлар натижасида уларни 128 нафарга етказдик. Кўпчилигининг ногиронлиги расмийлаштирилмаган, каерга мурожаат этишни билмай юрган экан. Одамларга қафолатланган хизматлардан фойдаланиши кераклигини тушунириб, бар-

ча ҳужжатларни тўғриладик. Кам таъминланган оилалар эса 137 тадан 67 тага қисқартирилди. Моддий ёрдам ҳақиқатан муҳтож аҳоли вакилларига манзилли тарзда етказилиши таъминланди.

Шу кунгача умумий очган кейсларим сони 72 та. Дастлаб кейс очилаётган оиладаги вазият бироз мураккаб туюлиши мумкин. Лекин ҳаммасини тизимга тушириб олгач, бирма-бир ёрдамлар кўрсатилиб, муаммолар барҳам топгач, одам енгил тартади. Шундай вақтларда танлаган соҳам қанчалик савобли амалларга бойлигини қайта ва қайта англаб етатман.

Машраб ота Отажоновнинг хонадонига биринчи марта кирганимизда, оиладаги шароит у даражада қоникарли эмасди. Ёлғиз яшаётган эр-хотиннинг ҳар иккиси 1-гурух ногирони, эркакнинг кўзлари ожиз, аёли

эса эшитиш қобилиятини йўқотганди. 4 нафар қизини узатиб юборган. Ўғли ва келини оиладаги носоғлом муҳит сабаб ўзлари фаолият юритадиган сомахонада яшаб юрарди. Бирор ёрдамчиси бўлмаган қариялар бир-бирини тушунишга қийналарди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида, биринчи навбатда, Махфиро опага эшитиш мосламаси олиб бердик. Фуқаронинг шодлигини тасвирлашга сўз ожиз. Қушларнинг сайраши, сувнинг шилдираб оқиши, энг муҳими, турмуш ўртоғининг сўзларини эшитишни бошлади. Шу зайдла улар орасида самарали мулоқот тизими ўрнатилди. Ортиқча бақир-чақирлар, асабуззарликлар барҳам топди. Буни билгач, ўғли ва келини уйга қайтиб келишди. 4 кун олдин хабар олгани борсам, томоғқа яхшигина ишлов берилган. Ховли ва уйлар супурилган. Келин

вақтида ош-овқатини пишириб, кексаларнинг дуосини оляпти. Қаранг, кичик бир ускуна сабаб оиладаги қанча муаммолар ўз ечимини топди.

Бундан ташқари, Машраб отага ҳомийлар кўмаги билан ногиронлик араваси олиб бердик. Қондаги қанд миқдорини текшириш учун олис масофада жойлашган туман тиббиёт бирлашмасига қатнаб юрганини ҳисобга олиб, овозли танометр билан таъминладик. Энди ортиқча оворагарчиликсиз, ҳамшира кўмагида бу тахлилни уй шароитида аниқлаш имкони туғилди.

Махфиро опа узоқ йиллар давомида мактаб ўқувчиларига тикувчиликдан сабоқ бериб келган. Бу ҳунарнинг сир-асрорларидан яхши хабардор. Энди кўчага чиқиб, қўни-қўшнилар билан мулоқотга киришиб, яна ўз устида ишлаш истаги пайдо бўлди. Буюртма асосида келинлар сарпоси учун кўрпа ва кўрпачалар тикишни йўлга қўйди.

Кам таъминланган оиланинг 5-6 нафар аёллари бекорлиги сабаб, кўчада гаплашиб турганига уч-тўрт марта гувоҳ бўлдим. Уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида бир тадбиркорга бириктириб қўйдик. Ҳозир манти, нучвара, котлет, лағмон хаамири каби таомларни ярим тайёр шаклда қадоқлаб, даромад топишни бошлашди. Келгусида иш кўламини янада кенгайтириб, тадбиркорнинг бўш турган биносида ошхона очишни ният қилишган.

Бугун кимга қандай ёрдам кўрсатилмасин, барчасидан қўзланган мақсад битта – халқнинг фаровон турмуш кечирishiни таъминлаш. Бу борада бизнинг зиммасига катта масъулият юклатилган. Уни оқлаш учун кечани кеча, кундузни кундуз, демай ишлашга мажбурмиз.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ҲУҚУҚЛАР ТАЪМИНЛАНАДИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ.

Президент имзолаган қонун билан "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга қўра, давлат ногиронлиги бўлган шахслар учун бошқалар билан тенг равишда одил судловдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Шу жумладан, суд



процессининг барча босқичларида, суриштирув ва дастлабки терговда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда бевосита ёки билвосита иштирок этишини

таъминлашга қаратилган чоралар кўрилади. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши, қонунда белгиланган тартибда сайлаш ва сайланиш, референдумларда қатнашиш ҳуқуқи таъминланади.

Давлат сайлов участкаларида (референдум участкаларида) ногиронлиги бўлган шахслар-

ЯНГИЛИК

нинг барча тоифалари, хусусан, эшитиш, кўришда муаммоси бўлган, ўриндиқли аравачалардан фойдаланувчи шахслар овоз бериши учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Илгари бундай меъёрлар мавжуд эмас эди.

Бундан ташқари, қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектиларига монезиликсиз кириши учун мослаштириш асосларини белгилувчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

МУЛОҲАЗА

Ечим битта — қариндошлар никоҳи барҳам топиши керак!

АЁЛ БОРКИ, ОНАЛИК МАКОМИГА ЭРИШИШНИ ИСТАЙДИ. ФАРЗАНДИНИ БАҒРИГА БОСИБ, УНИНГ МЕХРИНИ ҲИС ЭТИШ — УНИНГ УЧУН ЭНГ ОЛИЙ САОДАТ. ЛЕКИН ТАҚДИРНИНГ ТУРФА СИНОВЛАРИ САБАБ ТЎҚҚИЗ ОЙ ВУЖУДИДА АСРАБ-АВАЙЛАБ КЎТАРИБ ЮРГАН ГЎДАГНИН ҚАНДАЙДИР НУҚСОН БИЛАН ДУНЁГА КЕЛТИРИШДАН КЎРА ОҒИР МУСИБАТ БЎЛМАСА КЕРАК.

Зулайхо КАМОЛХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маъсул ходими.

Йўл қўйилган қандайдир хатолар, қабул қилинган нотўғри қарорлар боис норасидаларнинг турли ирсий касалликлар билан туғилаётгани, афсуски, рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Ирсий касалликлар ахборотларни наслдан-наслга ташувчи генларнинг ўзгариши натижасида юзага келади. Хар бир одам ўз генининг ярмини онадан, иккинчи ярмини отадан олади. Кўплаб ирсий касалликлар генлардаги "яширин" зарарлаш оқибатида юзага келади. Кейинчалик етти авлодда бу салбий ҳолат такрорланиши мумкин.

Ҳозирги кунда инсонда 35 мингта ген аниқланган. Шундан 7 мингтаси касаллик генлари ҳисобланади. Олимларнинг таъкидлашича, ирсий касалликлар бошқа соматик хасталикларга қараганда оғир кечади. Бу ногиронликка ёки гўдакнинг ўлимига сабаб бўлади. Баъзилари болада 3-4 ёшда пайдо



бўлади, 14-15 ёшга бориб у хатто ўрнидан тура олмай қолади.

Носоғлом фарзанд туғилиши хавфи қон-қариндошлар қанчалик яқин бўлса, шунчалик ортиб бораверади. Ортиқча қутилган боланинг туғма нуқсон билан дунёга келиши, ота-она учун оғир фожиа демак. Чақалоқларнинг касаллик билан туғилаётгани, аёллар ва эркакларнинг бепуштлиги, 1 ёшгача бўлган

болалар ўртасидаги ўлимнинг бир қисми ирсий омилар билан боғлиқ.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибатлари ҳақида қанча кўп гапирилмасин, аҳоли қарашларини ўзгартириш қийин кечаётгани жуда ачинарли. Ваҳоланки, бунинг ортида қатор ижтимоий муаммолар яширинганки, бир қарашда кўзга ташланмаслиги мумкин. Хусусан,

оилада фарзандсизлик ёки боланинг туғма ногиронлиги билан дунёга келиши туфайли пайдо бўладиган келишмовчиликнинг ажралишгача етиб бораётганига тез-тез гувоҳ бўляпмиз. Қолаверса, нуқсон билан туғилган чақалоқ сабаб нафақат эр-хотин, балки ота-она ва қариндошлар ўртасида низолар авж оляпти. Оқибатда, шу кунгача аҳил-иноқ яшаб келаётган қондошлар бир-бири билан юзқўрмас

Носоғлом фарзанд туғилиши хавфи қон-қариндошлар қанчалик яқин бўлса, шунчалик ортиб бораверади.

бўлишгача етиб боришяпти. Масаланнинг энг ўйлантирадиган жиҳати эса ногиронлиги бўлган болалар ва ажралишларнинг мамлакатдаги демографик тенденцияларга салбий таъсир кўрсатишидир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, яқин қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ қайсидир маънода оилани камбағаллик сари етаклайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ирсий касаллик билан туғилган гўдакни даволашга анча-мунча сарф-харажат қилишга тўғри келади. Қолаверса, болани парвариш қилиш учун ота ёки она ишламаслиги, кун бўйи унинг ёнида бўлиши керак. Меҳнатга лаёқатли оила вакилининг ҳеч қандай машғулот билан банд эмаслиги, оиланинг моддий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши кўндек равшан. Бугун қамбағал сифатида рўйхатга олинган хонадонларнинг кўпида вазият айнан шундай экани сўзimizнинг яққол исботи бўла олади.

Юқорида санаб ўтилган барча муаммоларнинг ечими битта – қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик. Ўз келажаги ва юрт равнақини ўйлайдиган инсоннинг бундай катта хатога йўл қўйишга ҳаққи йўқ.



Тошкентда
200 мингдан ортиқ
пулли АВТОТУРАРГОҲЛАР
ташкил этилади.



Энди талабалар
ўзлаштириш кўрсаткичи
бўйича ТАЪЛИМ ГРАНТИ
ўрнига ҳар йили қайта
тақсимланади.



УМРА ЛИЦЕНЗИЯСИ
учун талабгорлардан
аризалар 7 апрелгача
қабул қилинади.

Тадбиркорлик бир қарашда жуда мураккаб ва катта сарф-харажат талаб қиладиган шидек кўринади. Айниқса, аёлларнинг бу йўналишда ўзини синаб кўришга қарор қилиши анча қийин. Олдинда кутиб турган қийинчилик, кўзланган натижага эриша олмаслик, молиявий таназзул қабиладан кўрқув ҳисси донм тўсик бўлиб тургандек туюлади.

Шаҳноза РАХИМХҲАЕВА,
"Mahalla" мухбири.



Тадбиркорлик, бу — кўрқув ва иккиланишларни енгиш, тадбирли бўлиш дегани

Лекин сўнгги йилларда юрдошларимиз орасида ўзининг шижоати ва интилувчанлиги билан барча синовларни мардонавор енгиб, катта-катта ютуқларни қўлга киритаётган тадбиркор хотин-қизлар сони анча кўпайди. Бу жуда қувонарли ҳолат, албатта. Биринчи навбатда, шу аёлнинг рўзғорига кут-барака киришни бошлайди. Оиланинг моддий ҳолати ўзгариб, фарзандларнинг таъминоти, таълим-тарбиясига инвестиция ки-

ритиш имконияти ортади. Қолаверса, янги очилаётган иш ўринларида уйда бекор ўтирган фуқароларнинг бандлиги таъминланади. Аҳолининг фойдали меҳнат билан банд бўлиши маҳаллада ишсизлик, оилавий можаролар, жиноятчилик каби салбий иллатларнинг камайишига замин яратади.

Қаранг, биргина аёлнинг тадбиркорликка қўл уриши натижасида қанчадан-қанча ижтимоий муаммоларга ечим топиш мумкин. Давлат буни яхши англагани ҳолда бугун соҳа ри-

вожи учун кенг қўламли имконият ва имтиёзлар тақлиф қилмоқда. Хусусан, Президентнинг 2025 йил 14 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан эришилаётган натижалар қўлами янада кенгайиши аниқ. Қарорга кўра, 2025 йилда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб, 2 миллион нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, 250 минг

нафар хотин-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, 250 минг нафар хотин-қизни олий таълим билан қамраб олиш, 50 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизни санаторийларда соғломлаштириш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этиш белгиланди.

"НАМРОН" тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 2025 йил 1 майдан хотин-қизларга "яшил лойиҳалар" ва IT соҳасидаги

лойиҳаларни амалга оширишига, шунингдек, камида 5 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлигини йўлга қўйишга қўмаклашган 1 минг нафар "устоз" тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратиш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, ижобий кредит тарихига эга бўлган хотин-қизларга 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади. Аёл тадбиркорлар томонидан кредит ҳисобидан сотиб олинаётган асбоб-ускуналар етказиб берилгунга қадар "Тадбиркорлиқни ривожлантириш компанияси" акциядорлик жамияти томонидан кафилилик тақдим этилиши йўлга қўйилади.

Қарорга мувофиқ, 2025 йил 1 июлгача аёл тадбиркорларга хомашё сотиб олишга қўмаклашиш, ўзаро кооперацияни кенгайтириш ва маҳсулотларни сотиш учун бозор топиш, зарур мутахассисларни излаш ва ишга қабул қилиш, лойиҳалар доирасида юзага келаётган муаммоларини аниқлаш ва уларга ечим топиш каби имкониятларга эга "Тадбиркор аёллар" платформаси ишга туширилади.

2025 йил 1 майдан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, кооперация асосида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қўмаклашиш, маҳаллий ва халқаро электрон платформаларда хотин-қизларга ўз маҳсулотларини жойлаштириш ва сотишга қўмаклашиш каби қулайликларни назарда тутувчи "Ҳамкор тадбиркор" дастури йўлга қўйилади.

2025 йил 1 августгача Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналишида молиявий хизматлар кўрсатиш стратегияси тасдиқланади. Шу билан бирга, етакчи ишбилармон аёллардан иборат Тадбиркор аёллар кенгаши ташкил этилади.

Яратиб берилаётган янги шароит ва имтиёзлар юқорида санаб ўтганимиз, кўрқув ва иккиланишларни енгиб, кишини фақат олға ҳаракат қилишга ундайди. Фақат ўзимиз севган соҳага бор меҳримизни бериб, меҳнат қилсак бўлгани, ҳеч қандай ғов йўлимизни тўсолмайди. Эришадиган натижаларимиз билан эса жамият равиога муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

ТАДБИРЛИ АЁЛ

ГУЛ ИФОРИ ҲАЁТНИ ҲАМ, ХОНАДОННИ ҲАМ БЕЗАДИ

...Бу хонадонга бир қирсангиз, чиқиб кетгингиз келмайди. Муаттар гулларнинг хушбўй ифори димоққа пирингига урилади. Бу ердаги гўзаллик, мафтункорлик қилларни мафтун айтади. Бу чирой, яшил оламга боқиб тўймайди киши.



Нигина ШОЕВА,
журналист.

Шўрчи туманидаги "Тамаддун" маҳалласида яшовчи Муҳаббат Эшбадалованинг уйига қирар экансиз, вужудингизни шундай ёқимли ҳислар чулғаб олади. — Аввалига ҳовли гулларини парваришлардим, — дейди Муҳаббат Эшбадалова. — Кейин хонаки гулларни кўпайтиришни йўлга қўйдим. Тўғриси, меҳнатим ортидан бироз қийналган, ўз вақтида гулларни сотолмай, пулга қуйган пайтларим ҳам бўлди. Аммо ортага чекинмадим. Ҳозир гуллар навининг саноғи йўқ, 2 сотих гулзордан оладиган кунлик даромадимиз 400-500 минг сўмни ташкил этмоқда. Ушбу маблагдан, албатта, гулларга ўғит олинади, техникага сарфланади. Шундай бўлса-да, кам бўлаётганимиз йўқ. Ҳали кўп эзгу ният ва мақсадларимиз бор. Гулларга қанча кўп меҳр кўрсатсангиз, кундан-кун яшилб бораверади. Аввалига оддий қизиқиш бўлиб туюлган бу машғулот эндиликда асосий даромад манбаига айланади.

Дарҳақиқат, табиатга ошнолик, атроф-олам, экологияга кўрсатилган эътибор кишиларни доимо эзгуликка, фаровонликка, меҳр-муҳаббатга чорлайди. Буни бугунги қаҳрамонимиз мисолида яққол кўрдик. Гулчилик, гул экиш ортидан эришилаётган юқори натижа, хайру барака уларнинг умрига мазмун ва саодат бағишлайверади.



Хаёлдаги режаларни ҳақиқатга айлантириш имконсиз эмас

Таълим ва тарбияни тинч, фаровон турмуш кечириниши асоси, деб биламан. Бу қондага маҳалладонларимиз ҳам амал қилишди. Фарзанд дунёга келиши билан унинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, мактаб ёшидаги қизларни уй юмушларига қўмаклаштиришга, озодалликка риоя қилишга ўргатади. Ҳеч бўлмаса, бирор хунарни эгаллаш учун шароит яратиб беради.

Шаҳзодаҳон ҚҶЗИЕВА,
Ўзбекистон туманидаги
"Туюл" маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Хола, аммалар бўлғуси келиниликка бобо ва бувиларининг ўғиту насихатларини эшитиб улғайган номзодларни танлайди. Бундай қизлар сабр-қаноат, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат фазилатларига эга бўлишини яхши билишади. Қолаверса, нуронийларнинг дуосида гап катта.

Оиладан сўз очилган экан, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини

олиш масаласига тўхталмай иложимиз йўқ. Йил бошидан буён ҳудудимизда битта оилавий ажралиш қайд этилди. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, 12 та оилани яраштиришга эришдик. Ёш келин-куёвларни муросага келтиришда кўпроқ оила бекасига сабрли бўлиши кераклигини ўқтирамыз. Қолаверса, қайноналарга келинни тўғри йўлга солиш, янги келган хонадонининг паст-баландини тушунтириши зарурлигини таъинлаймиз. Агар ўртада меҳр ва ўзаро илиқ муносабат ўрнатилса, икки томон ҳам камчиликларга кўз юмишни ўрганади. Маҳалламиздаги Қайноналар кенгаши

раиси Малоҳат опа Саксонова аини масала юзасидан бизга катта қўмак бериб келмоқда. Унинг оилалар билан ишлаганда, ҳаётини мисоллар билан йўл кўрсатиши, оддий ва содда ечимлар тавсия қилиши кўпчиликка маъқул келади.

Маҳалла тизимидаги тўққиз йиллик фаолиятим давомида ҳар куни ўзим учун қандайдир янги ҳақиқатларни англаб келяпман. Айтилик, аёлнинг касб-хунарга эга бўлиши, оиладаги кўплаб муаммоларга ечим бўлиши мумкин. Шундай экан, биринчи навбатда, уларнинг ўқиши, ишлаши ва тадбиркорлик қилишида қўлимиздан келганча қўмаклашяпмиз. Жорий йилда "Аёллар дафтари"га киритилган 86 нафар хотин-қиздан 25 нафарини тикувчилик ва тўқувчиликка ўқитиб, ҳудудимизда очилаётган 70 ўринли ишлаб чиқариш корхонасига ишга жойламоқчимиз. Қолганлари эса қизиқишига қараб қандолатчилик, сартарошлик, компьютер мутахассиси йўналишларига жалб этилади.

Астойдил меҳнат қилган инсон, албатта, бир кун унинг натижасини кўради. Маҳалладоши-

миз Садоқат Саксонова мисолида бунга яққол гувоҳ бўлишимиз мумкин. 2023 йилда боқувчисини йўқотгани сабабли "Аёллар дафтари"га рўйхатга олинган фуқаро маҳалла тавсияси билан 14 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик қила бошлади. Субсидия асосида тақдим этилган чок машина унинг оғирини енгил қилишда қўмак бўлди. Аввалига қўни-қўшнилар учун қўйлақлар тикиб юрган чеварнинг натижалари кўзга кўрингани сари янги ҳамкорлардан тақлиф тушди. Ҳозир 4 нафар ходими билан болалар кийимларини шартнома асосида ишлаб чиқаришади. Ҳар куни қиладиган юмушлари бисёр. Тушум кўнгилдагидек бўлганидан ходимларига 2-4 миллион сўм атрофида маош беради. Байрам кунлари моддий жиҳатдан рағбатлантиради. Келгусида тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириб, йирик тикувчеҳи очилиши ният қилган. Бизни қувонтирадигани эса гарчи боқувчиси бўлмаса-да, ёлғиз ўзи рўзғорини бутлаб олган. Икки нафар вояга етмаган фарзандини бекаму қўст улағайтирди.

Эрталаб ишга кетаётди, кун давомида бажаришнинг керак бўлган вазифаларни бир кун хаёлимдан ўтказмайди. Назаримда, ҳаммасини тўлалигича амалга ошириш имконсиздек туюлади. Лекин жараёнга киришиб кетганимдан кейин қандай якунига етказиб қўйганимни билмай қоламан. Айтмоқчи бўлганим, кўруқ ўйлаб ўтириш билан бирор натижага эришиб бўлмайди.



БОКС БЎЙИЧА
Ўзбекистон
аёллар терма
чемпионатида
1 та кумуш ва
3 та бронза
медалини қўлга
киритди.



Ўзбекистонда
илк марта
СУМО БЎЙИЧА
мамлакат
чемпионати
ўтказилди.



Жаҳон
чемпионати
саралаш
доирасида
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕРМА ЖАМОАСИ
20 март куни
Қирғизистонга
қарши майдонга
тушади.

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!



БАСКЕТБОЛ ҲАМ РУҲАН, ҲАМ ЖИСМОНАН ЧИНИҚТИРАДИ

Маълумки, барча спорт турлари инсонни жисмоний ва руҳий баркамолликка етаклайди. Хусусан, биз сўз юритмоқчи бўлаётган баскетбол спорт тури ҳам бакуват, баланд бўйли ва тезкор қарор қабул қиладиган кишилар ўйини десак бўлади.

Баскетбол инглизча "basketball" сўзидан олинган бўлиб, (basket – сават, ball – мўл) ҳар бирида бештадан ўйинчи иштирок этадиган жамоавий спорт туридир. Ўйиндан бош мақсад – тўпни кўл билан ўйнаган ҳолда 3,05 метр баландликда мустаҳкамланган саватли ҳалқага тушириб, имкон қадар кўпроқ очко олиш ҳисобланади.

Баскетбол машғулотини ва мусобақаларни учун тўртбурчак майдонча (ўлчами 26x14 метр) ёки зал (баландлиги 7 метр) талаб қилинади. Ҳар бир жамоада 12 нафардан ўйинчи бўлиб, майдонга бир йўла ҳар жамоадан 5 тадан ўйинчи туширилади (бу ўйинчилар алмаштирилиши мумкин). Қайси жамоа рақибининг

саватига кўп тўп туширса, ўша ғолиб ҳисобланади. Ўйинда саватга туширилган тўп учун 2 очко, жарима белгиланганда туширилган тўп учун 1 очко, жаримадан ташқаридагиси учун 3 очко берилади. Эркаклар 40 дақиқа, аёллар 36 дақиқа, 15–16 яшар ўсмирлар ва қизлар 30 дақиқа, 13–14 яшар ўғил ва қиз болалар 24 дақиқа ўйнашади. Ўйин икки қисмдан иборат бўлиб, орада 10 дақиқа дам олинади. Белгиланган вақтда жамоалар баравар очко олса, бирор жамоа ғолиб чиққунча 5 дақиқадан қўшимча вақт берилади.

Баскетбол ватани — АҚШ. Ушбу спорт турига 1891 йилда америкалик, Массачусетс (АҚШ) коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси Жеймс Найсмит асос солган. Ҳозирда баскетбол Олимпиада ўйинларига киритилган. Шу билан бирга, NBA (National Basketball Association) ва FIBA (International Basketball Association) каби йирик турнирлар ташкил этилади. **Ўзбекистонда баскетбол 1921 йилдан ўйнала бошланган.**

Бугунги кунда ушбу спорт тури юртимиз ёшлари орасида "Стрит-бол" номи билан ҳам машҳур. Айни шу номда "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида спорт мусобақаси ўтказиб келиняпти.

Баскетболда ўйин ҳаракатлари характерининг тинимсиз алмашishi, мушак юктамаларининг ўзгариши, ўйиннинг юқори ҳиссий тонуси ўйинчини тушунликларга чидамли, жисмонан кучли ва соғлом қилиб тарбиялайди. **Ҳафтасига ярим соатдан уч марта машғулот ўтказиш натижасида ажойиб жисмоний кўринишга эга бўласиз.** Ўйин давомида ўйинчининг ҳаракат тезликлари ўзгариб туради, лекин у машғулот вақтининг 40 фоизиди фаол ҳолатда бўлади. Бундай жисмоний фаоллик ортқича вазндан халос этади. Ўртача ҳисобда бир матч давомида баскетболчи тахминан 7 километр масофани босиб ўтади ва 20 мингта силтанишларни амалга оширади. Мутахассислар баскетбол билан шугулланиш натижасида периферик қўрув чегаралари сезилари даражада кенгайишини аниқлашган. Демак, бу ўйиннинг кўзаларимизга фойдаси бор.

БАДАНТАРИЯ

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Гулжамол ШЕРМАТОВА.
Навоий вилояти:

— Биздаги баъзи одамлар майит қабрга қўйилгач, эртаси куни марҳум хонадонидида қалла почани пиширишади. Ва уни мазорга олиб бориб, қабр бошида ейишади. Бу каби одатлар динимизда тўғрими?

“КАЛЛА ПОЧА” ПИШИРИБ ҚАБР БОШИДА ЕЙИШ МУМКИНМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Бу амал шариятимизда йўқ. Балки бидъат-хурофотлардан саналади. Динимизда йўқ бўлган бундай одатлардан сақланиш лозим. Чунки қайси бир жамиятда бидъат-хурофотлар кўпайса, ўша жойда суннат ишлар камаяди, турли ихтилофлар эшиклари очилади, соф Ислом таълимотларидан оғиш пайдо бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларида: **“Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани янгитдан пайдо қилса, у рад қилингандир”,** — деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Уламолар: **“Бидъат аҳлининг зарари мусулмонлар учун кофир ёки ғайридин инсонларнинг зараридан катта бўлади”,** — дейишган. Чунки ғайридинларнинг бузғунчилиги мусулмонлар оммасига фош бўлиб туради. Аммо бидъат аҳлининг бузғунчилигини ҳамма ҳам англаб ололмади. У ўзини ҳақ йўлда деб билади. Ўзгаларни унга эргашмаганликда айблайди. Бидъат учун савоб олишига қаттиқ ишонади. Уни кўрган инсонлар ҳам таъсирланиб, ҳар хил янги одатларга диний тус бера бошлайдилар. Машҳур муҳаддис олим Абдуллох ибн Муборак раҳимахуллох ўз шогирдларига шундай насиҳат қилганлар: **“Илмни маҳкам тут. Ҳар қандай бидъатчидан узоқлаш. Уларга умуман мойил бўлма. Улар ўзига эргашганларни мишмишлар, қуруқ гаплар билан залолатга бошлашади”.** Биз ҳар қандай бидъатга барҳам беришимиз учун Ислонинг асл моҳиятини нафақат ўрганишимиз, балки ўз фарзандларимизга ўргатишимиз керак.



ҚОНДАГИ ҚАНД МИҚДОРINI ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

ТАВСИЯ

Диабет олди ҳолат — бу инсон организмда углевод алмашинуvinининг эрта бузилиши бўлиб, нормал аҳвол ва қандли диабет ўртасидаги оралик ҳолатдир. Агар турмуш тарзи ўзгартирилмаса, 70 фоиз беморларда диабет олди ҳолат 3 йилдан 10 йилгача бўлган давр ичида қандли диабетга ўтади.

Севара ФАХРУТДИНОВА,
тиббиёт фанлари доктори.

Илмий тадқиқотларга кўра, диабет олди ҳолатда ўз вақтида тайинланган даво муолажалари, парҳез ва соғлом турмуш тарзи 58 фоиз ҳолларда қандли диабет ривожланишининг олдини олади. **Диабет олди ҳолатни даволаш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим.**

1. Жисмоний фаоллик. Ҳар куни 30-60 дақиқа, ҳафтасига камида 5 мараптаба 2-3 км. (5000 қадам) пиёда юриш, зинадан тепага чиқиш, велосипед ҳайдаш, рақсга тушиш, сузиш.

2. Тўғри ва меъёрда овқатланиш. Оксиллар, шу жумладан, ўсимлик оксиллари, клетчаткага бой бўлган сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш, овқатда калория миқдорини суткасига 1500 ккал.гача қисқартириш, углеводлар, яъни ширинликлар, фаст-фуд, газланган ичимликларни камайтириш, ёғ истеъмолини озик-овқат умумий калориясидан

30-35 фоизгача чеклаш.

3. Кун тартибини тўғри ташкил этиш. Нотўғри уйку режими қондаги қанд миқдорига таъсир қилиши, бу эса иштаҳанинг ошиши ва вазн ортшига олиб келиши мумкин. Суткасига ўртача 7-8 соат ухлаш тавсия этилади.

4. Зарарли одатлардан воз кечиш. Тамаки чекишни ташлаш, спиртли ичимликлардан воз кечиш. Ўткир алкоголь маҳсулотлари юқори калорияга эгаллигини инобатга олиб, семизлик, диабет олди ҳолат ёки қандли диабетни бўлган инсонлар уларни истеъмол қилмасликлари керак.

5. Стресс ва зўриқшдан сақланиш. Стресс ва сурункали чарчоқ организмдаги гормонал ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса қанд метаболизми билан боғлиқ турли муаммоларни келтириб чиқаради.

Диабет олди ҳолатни даволаш учун қандай дори воситаларини қабул қилиш лозимлиги тўғрисидаги тавсиялар аниқ ташхис қўйилгандан сўнг оилавий шифокор ёки эндокринолог томонидан берилади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

ТАНА ТАОМ ЗАҲРИДАН ҚАНДАЙ ТОЗАЛАНАДИ?

Ҳозирда урф бўлган атамалардан бири “детокс” бўлиб, детоксикация — бу носоғлом турмуш тарзи, нотўғри овқатланиш, атроф-муҳит таъсири ва бошқа омиллар натижасида танамизда тўпланган токсинларни чиқариб ташлаш жараёни. Бу — умумий саломатлигимиз ва ҳолатимиз учун жуда муҳим.

Дилафруз АБДУЛЛАЕВА,
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Сўнгги овқат қабул қилишдан тахминан **саккиз соат ўтгач**, организмда ҳазм қилиш, сўрилиш жараёнлари тугайди ва **танамиз тозаланиш ҳолатига ўтади.** Ҳозирда **“детокс”** атамаси танани турли шарбатлар орқали тозалаш билан боғлиқ бўлса-да, аслида, бу организмимиз **ўзидаги заҳарларни чиқариб ташлаш учун** рўйхатимиздаги озуқавий моддаларни қўллаш орқали **ишга туширадиган биологик жараёндир.**

Танамизда **жигар, буйраклар, тери ва йўғон ичак** каби кўплаб тозаланиш тўқималари мавжуд. Замонавий ҳаётнинг токсик юқини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлаши керак бўлган **танани табиий тозаланишнинг учта босқичи мавжуд.**

Биринчи босқич. Тозаланиш жараёнининг бу босқичи жигарда содир бўлади. У зарарли ёғда эрийдиган хужайраларни камроқ зарарли бирикмаларга айлантиришга ёрдам беради ва улар танадан осонроқ чиқарилади.

Иккинчи босқич. У ҳам жигарда содир бўлади ва жинсий жараёнини ўз ичига олади. Яъни моддалар сувда эрувчан ва шунинг учун камроқ зарарли ҳолга келади. Кейинчалик бу моддалар буйраклар ва ичаклар орқали пешоб ва сафро билан чиқарилади.

Учинчи босқич. Бунда заҳарли моддалар ёки кераксиз бирикмалар хужайрадан тозалаш тўқималари: ичаклар, буйраклар, ўпкалар ва тери орқали чиқариб ташланади.

Соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш орқали бу тизимнинг яхши ишлаши таъминлаш мумкин.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 200 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

